Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2013-yil, 25-may. Shanba ● 63 (31.653) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

**Сиёсий партия ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши учун, аввало, дастурий вазифалардан келиб чиқиб, электоратни ўйлантираётган масалаларни изчил ўрганиши, барча даражадаги депутатлик гуруҳлари ташаббускорлиги асосида муаммолар ечимига жавоб топиши зарур.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақдим этилган кун тартиби тасдиқлангач, депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.**

Қонунчилик палатасининг мажлиси ҳамда ундан олдин бўлиб ўтган Қонунчилик палатаси Кенгаши, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг йиғилишлари яқинда кучга кирган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун талаблари асосида ташкил этилди.

Қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқиш давомида маърузачилар сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг тегишли қонун лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

Чунончи, депутатлар «Гаров реестри тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур ҳужжатда гаров реестрини ҳисобга олишнинг ягона базасини яратишга доир ҳуқуқий механизмлар белгиланган бўлиб, улар гаровга қўйилган мол-мулкни ҳисобга олиш, шунингдек, уни ғайриқонуний равишда реализация қилиш ёки бошқа шахсга беришнинг олдини олиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Гаров реестри маълумотларнинг ягона ахборот базаси бўлиб, у жисмоний ва юридик шахсларнинг гаров таъминотига доир ҳуқуқлари юзага келганлиги, шунингдек, бу ҳуқуқлар ўзгарганлиги ёки тугатилганлиги ҳақидаги электрон шаклдаги ёзувни ўз ичига олади.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоларининг таъкидлашича, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида юзага келган имконият ҳамда қонун лойиҳаларининг қўмиталар ва фракциялар кўриб чиқиши учун бир вақтнинг ўзида келиб тушиши фракцияларга қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикрлари ва таклифларини батафсил тайёрлаш имкониятини яратди. Мисол учун, ЎзЛиДеП фракцияси қонун лойиҳасини мамлакатимиз минтақаларида тадбиркорлар, соҳа мутахассислари, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда муҳокама қилишни ташкил этишга муваффақ бўлди. Фракция ўтказган давра суҳбатида миллий ва халқаро экспертларнинг қонун лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазалари эшитилди. Буларнинг барчаси фракциянинг қонун лойиҳаси юзасидан масъул қўмитага киритган нуқтаи назарида ҳисобга олинди.

(Давоми 2-бетда.)

2013 йил — Обод турмуш йили

## САЛОМАТЛИК ДАРСЛАРИ

**«Оилада саломатлик» лойиҳаси доирасида 24 май куни мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва мактабларда саломатлик дарслари ўтказилди.**

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур акцияда талаба ва ўқувчилар фаол иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг ўз соғлигига бўлган масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган бир қатор ижтимоий лойиҳалар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. «Оилада саломатлик» лойиҳаси доирасида таълимнинг барча бўғинларида ўтказилган «Саломатлик дарслари»дан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи борасида зарурий кўникмаларни шакллантириш, уларнинг билимини янада бойитишдан иборатдир.

Шифокорлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ўқитувчи ва мураббийлар иштирокида интерфаол шаклда ўтказилган мазкур дарсларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид видеороликлар, ижтимоий видеолавҳалар намойиш этилди. Инсон учун саломатлик энг олий бойлик экани ҳақидаги ғояни ёшлар онгига етказишга оид буклетлар тарқатилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ЎзХДПда «Ёш сиёсатчи — 2013»









## «МЕН ВАТАНИМ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШИШНИ ИСТАЙМАН»

*кўрик-танлов шу шиор остида ўтмоқда*

Ёшлар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократикислоҳотлар, қонун ижодкорлиги ҳақида чуқур билимга эга бўлиши ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши зарур.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тизимида бир неча йилдан буён ўтказилиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборат. Танлов партия сафида билимдон ва дунёқараши кенг ёшлар сони йилдан-йилга ортишига хизмат қилмоқда.

2-бет

Ижтимоий ҳимоя

## ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

**Самарқанд шаҳрида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида «Ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда янги имкониятлар» мавзуида ўтказилган тадбирда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, академик лицейларда таълим олаётган тўрт мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди.**

Анжуман давомида ёшларнинг таълим жараёнига бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида шаҳарнинг Регистон майдонида коллежлар қошида очилган энг намунали 350 та тўгараклар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

— Коллежимизда фаолият юритаётган тикувчилик тўгарагида икки йилдан бери ҳунар ўрганяпмиз, — дейди Қўшработ маиший-хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Динора Норқўзиева. — Ҳозир тикиш-бичишни анча ўрганиб олдим. Бўш вақтларимда қишлоқдошларимдан буюртма олиб, тикувчилик қилаяпман.

Тадбир доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ўтказилди.

— Ярмаркада вилоятдаги 367 та ташкилот ва корхоналар 4997 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди, — дейди вилоят аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Н.Баҳримов. — Меҳнат ярмаркасида коллеж битирувчиларининг 371 нафари ишга жойлашиш учун йўлланма олди. 318 нафар йигит-қизга келгусида мос касблар ҳамда турдош касблар бўйича иш топиш учун ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилди.

— Ўтган йили Иштихон қурилиш касб-ҳунар коллежини битиргандим, — дейди Жамшид Зиядуллаев. — «Иштихон чарм пойабзал» масъулияти чекланган жамиятига ҳисобчи вазифасига ишга кирдим. Корхона мен яшайдиган ҳудуд яқинида жойлашган, ойлик маошлари ҳам кўнгилдагидек.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг



ОБОД ВА ФАРОВОН ТУРМУШ

*партиямиз дастурий мақсадларининг асосидир*

www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



## ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ ФАОЛИЯТИ

*яхши ташкил этилган ҳудудда партияга ишонч ортади*

**Сиёсий партияни халққа яқинлаштирадиган, нуфузини оширадиган энг муҳим восита электорат манфаатини ҳимоя қилиш, ишончини қозонишдир. Жойлардаги муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш, фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат беришда Ўзбекистон ХДПнинг Жамоатчилик қабулхоналари муҳим ўрин тутмоқда. Бу имкониятдан тўлақонли фойдаланиш учун ҳар бир партия кенгаши, депутатлик гуруҳи ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур англаб, меҳнат қилиши талаб этилади.**

⇨ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Чунончи, ЎзЛиДеП фракцияси вакиллари шуни алоҳида таъкидладиларки, қонун лойиҳаси Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси молия-банк тизимини янада ривожлантиришга, молия хизматлари бозорида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва рақобатни кучайтиришга, энг юқори халқаро андозаларга жавоб берувчи замонавий бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган.

Бунда қонун лойиҳасининг энг муҳим вазифаси кредитларни расмийлаштириш тартиб-таомилини янада такомиллаштириш, кўчар мулкни гаров айланмасига киритиш ҳисобига кичик бизнеснинг кредит орқали молиялаштиришдан эркин фойдаланишини кенгайтириш ҳамда мол-мулкни гаровга қўйиб, кредит беришда тижорат банкларининг таваккалини камайтиришдан иборатдир.

ЎзХДП фракцияси депутатлари мазкур қонун лойиҳаси юзасидан билдирган ўз нуқтаи назарларида гаров реестрини ташкил этишдан асосий мақсад гаров тўғрисида ишончли ахборот йиғиш, унга ишлов бериш ва уни гаровга қўйилган мол-мулкка ҳуқуқи бўлган ёки уни олишни хоҳлаган шахсларга беришдан иборат эканлигига асосий эътиборни қаратдилар. Ушбу қонун гаров таъминотлари бўйича ахборотларни ҳисобга олиш, сақлаш ва алмашиш борасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Бу чора-тадбирлар, аввалambор, гаровга қўйилган мол-мулкнинг давлат томонидан аниқ ҳисобга олинишини таъминлашга, шунингдек, унинг ғайриқонуний равишда реализация қилиниши ёки бошқа шахсга ўтказилишининг олдини олишга қаратилгандир.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Фракция аъзолари шуни алоҳида таъкидладиларки, уларнинг қонун лойиҳаси юзасидан олдиндан билдирган фикрлари ва таклифлари масъул қўмитага топширилди, ушбу фикрлар ва таклифлар қонун лойиҳасини парламентнинг қуйи палатасида кўриб чиқиш чоғида инобатга олинди.

«Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳасининг жуда муҳимлигини, шу жумладан, қонун лойиҳасида гаров реестрининг ягона базаси асосида гаров предметининг ҳуқуқий мақомини тезда аниқлаш бўйича бериладиган имкониятдан кредиторлар, қарз олувчилар, гаровга қўювчилар ва гаровга олувчилар фойдаланишлари мумкинлигини, бу эса мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга, тадбиркорликка катта эркинлик берилишига, миллий иқтисодиётимизнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

«Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг фикрига кўра, қонун лойиҳасида назарда тутилган гаров реестридан узлуксиз ва кечаю-кундуз эркин фойдаланиш имконияти тегишли дастурий таъминот воситасида қўллаб-қувватлаб турилади, бу эса маълумотлар базасидан аниқ вақт режимида фойдаланиш ҳамда рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартибидан, шунингдек, гаров ахбороти олиш имкониятидан фойдаланиш учун шароит яратади. Бунда қонун лойиҳаси энг яхши халқаро тажрибага ва гаров реестри тизимини тартибга солувчи норматив ҳужжатларга, таъминот битимларига, шунингдек, бир қатор хорижий мамлакатлар – АҚШ, Канада, Буюк Британия, Хитой, Австралия ва бошқа мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига мос келади. Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда фракция аъзолари Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишнинг аниқ муддатларини кўрсатишни қатъий талаб қилдилар.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси корпоратив бошқарув ҳамда назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва масъулиятини янада аниқ белгилаб қўйишга, акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашларининг, умумий йиғилишлари ва тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини оширишга, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ахборот жиҳатидан акциядорлар ва имкониятли инвесторлар учун очиқлигини таъминлашга қаратилгандир.

ЎзЛиДеП фракцияси депутатларининг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳасининг муҳимлиги унинг концепциясига ҳам, ишчи гуруҳ томонидан таклиф этиладиган ҳар бир нормага ҳам синчковлик билан эътибор беришни талаб этади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда фракция аъзолари қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари аъзоларини ҳамда қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти вакилларини таклиф этган ҳолда очиқ ошкора муҳокама жуда ўз вақтида ташкил этилганлиги ва ўтказилганлигини, бу эса жуда кўплаб саволларга жавоб олиш ва Қонунчилик палатаси мажлисига янада жиддий тайёргарлик кўриш имкониятини яратганлигини таъкидладилар.

Фракция аъзолари шуни қайд этдиларки, ушбу қонун лойиҳасида ҳал этиладиган энг муҳим вазифа республикамизда корпоратив муносабатларни янада ривожлантиришдан иборатдир. Акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, уларнинг устав фондини шакллантириш, қимматли қоғозларнинг бозор қийматини белгилаш, акцияларни оммавий таклиф этиш орқали жамиятларнинг акцияларини жойлаштириш, шунингдек, бошқарув органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва масъулияти, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш масалаларини янада аниқ тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилади.

ЎзХДП фракцияси аъзолари акциядорларнинг, хусусан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлигини кучайтириш, чунончи уларнинг акциядорлик жамиятини бошқаришдаги иштироки механизмини янада аниқ белгилаш, бундай акциядорларнинг манфаатларини ифода этувчи махсус органни ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Чунончи, қонун лойиҳасида акциядорлик жамиятини бошқариш органлари тузилмасида миноритар акциядорлар қўмитасини ташкил этиш назарда тутилган бўлиб, бундай қўмита акциядорлар томонидан сайланади ва акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобдор бўлади, қўмитанинг асосий вазифалари миноритар акциядорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, жамиятнинг миноритар акциядорларнинг қонуний манфаатларига зид бўлган битимлари бўйича хулосалар чиқаришдан иборат.

Шу билан бирга, фракция аъзоларининг таъкидлашича, қонун лойиҳаси муайян даражада қайта ишлашни, хусусан, акциядорларнинг ҳуқуқларини янада аниқ белгилаш, шунингдек, қонун нормаларида акциядорлик жамиятларининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ тартиб-таомилга оид масалаларни янада аниқ белгилаш борасида қайта ишлашни талаб этади. Шуни ҳисобга олган ҳолда фракция аъзолари қонун лойиҳасини қайта ишлаш муддатини мажбурий тартибда белгилаб қўйган ҳолда биринчи ўқишда қабул қилиш тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватладилар.

«Миллий тикланиш» ДП фракцияси вакиллари Қонунчилик палатасининг мажлисида масъул қўмита вакилининг ахбороти эшитилиб, депутатларга «Миллий тикланиш» ДП фракциясининг қарор лойиҳаси юзасидан таклифи етказилганлигини, чунончи, қонун лойиҳаси инвесторларнинг, айниқса, миллий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини янада кучайтиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Қонун ҳужжатида «аффилланган шахслар» ва «манфаатли битимлар» тушунчалари ҳамда уларга қўйилган талаблар аниқлаштирилган. Тузилиши манфаат келтирувчи битимлар ҳақидаги батафсил ахборотни ошкор этишга қўйилган талабларни белгилаш ҳамда бундай битимларни мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг талабига кўра тегишли хулосалар тақдим этган ҳолда олдиндан ўрганиш йўли билан акциядорлик жамиятларининг битимлар тузиши шаффофлигини оширишга доир нормалар назарда тутилган.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси манфаатли битимлар тузиш чоғида зарарни қоплаш тўғрисидаги мажбуриятларни белгилаш йўли билан акциядорлик жамияти бошқарув органлари аъзоларининг акциядорлар олдидаги жавобгарликни кучайтиришни ҳамда бундай битимларни акциядорларнинг даъво аризасига кўра суд қарори билан ҳақиқий эмас, деб эътироф этиш имкониятини назарда тутади.

«Адолат» СДП фракцияси аъзолари фракциянинг фикрларини мажбурий тартибда ҳисобга олиш муҳимлигини, бу оз сонли фракцияларга нисбатан устунлик беришини алоҳида таъкидладилар. Фракция аъзоларининг фикрига кўра, қонун лойиҳаси акциядорлик жамияти фаолиятининг ахборот жиҳатидан барча акциядорлар ва имкониятли инвесторлар учун очиқлигини таъминлаш механизмини назарда тутади, акциядорлик жамияти фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, тегишинча уларга нисбатан ишончни таъминлаш имкониятини яратади.

Чунончи, акциялари фонд биржасининг листингига киритилган акциядорлик жамияти фонд биржасининг сайтида ўз устави матнини, шу жумладан, унга ўзгартиш ва қўшимчаларни эълон қилиши лозим. Акциядорлик жамиятининг акциядорларга ахборот тақдим этиши, акциядорлик жамияти ўзининг аффилланган шахслари тўғрисидаги ахборотини эълон қилиши механизми назарда тутилган.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур қонун лойиҳаси айрим ҳуқуқий нормаларни қонун ҳужжатларига янгитдан киритилаётган тузатишларга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Ер кодексларига, «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг депутатлар юқорида кўрсатиб ўтилган барча қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифаси масъул қўмиталарга топширилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

# ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ ФАОЛИЯТИ

## *яхши ташкил этилган ҳудудда партияга ишонч ортади*

ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган **«Партия дастурий мақсадларини амалга оширишда Жамоатчилик қабулхоналари ва депутатлик гуруҳлари фаоллигини кучайтириш»** мавзуидаги семинарда бу фикрлар алоҳида таъкидланди.

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси, халқ депутатлари Тошкент вилоят ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, партиянинг Тошкент шаҳри ва вилояти кенгашлари масъул ходимлари, олимлар, тадқиқотчилар ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада жонлантириш, аҳолиниинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ўйлантираётган масалалар ҳал этилишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш, намунали Жамоатчилик қабулхоналарининг иш тажрибасини оммалаштириш, мурожаатларга нисбатан масъулиятни ошириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**
***ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:***

— Бугун Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти электорат билан ишлашнинг самарали воситаларидан бири сифатида тобора такомиллашмоқда. Мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва ўрганиш, кишиларга ёрдам бериш орқали кенг жамоатчилик билан алоқа ўрнатилиб, жойларда юзага келаётган муаммолар бартараф этилаяпти.

АЙНИ ПАЙТДА ПАРТИЯ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ ҚОШИДА 214 ТА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. ЎТГАН ЙИЛИ 7800 ГА ЯҚИН МУРОЖААТНИНГ 72 ФОИЗИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. БУ ЎЗ НАВБАТИДА, ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ, ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ЭЛЕКТОРАТГА ЯНАДА ЯҚИНЛАШИБ БОРАЁТГАНИ, ҲАР БИР МУРОЖААТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ ТУБДАН ЎЗГАРГАНЛИГИНИ КЎРСАТАДИ.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, электорат манфаатини ҳимоя қилишнинг энг самарали шаклларидан бири бўлган Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан ҳамма жойда ҳам етарли даражада фойдаланилмаяпти. Хусусан, Бухоро вилоятининг Ромитан ва Пешку туманлари, Жиззах вилоятининг Жиззах ҳамда Зарбдор туманлари, Наманган вилоятининг Мингбулоқ тумани, Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Зангиота туманлари, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз тумани, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманларида Жамоатчилик қабулхоналари учун махсус хона ажратилмаган, аҳоли томонидан тушган мурожаатларни ўз вақтида ҳал қилиш, қабул кунлари тартиби, уларда режага мувофиқ депутатлар иштирокини таъминлаш масалаларига ҳам етарлича эътибор берилмоқда деб бўлмайди.

Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти яхши ташкил этилган ҳудудда одамларнинг партияга ишончи мустаҳкамланади. Шу боис бу борадаги ишларни чуқур таҳлил этиб, электорат манфаатини ҳимоя қилишнинг самарали йўлидан тўла фойдаланишимиз зарур.

**Назира МАТЯКУБОВА,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Жамоатчилик қабулхонаси электорат манфаатини ҳимоя қилишнинг тажрибадан ўтган самарали воситаси ҳисобланади. Уларни янада такомиллаштириш учун қабулхонага тушган ҳар бир мурожаатни таҳлилий ўрганиб, ечими устида жиддий ҳаракат қилиш керак. Мисол учун, бир туман ёки шаҳарнинг турли жойларидан бир хил ёки бир бирига ўхшаш, бир бири билан боғлиқ мурожаатлар бўлганда уларни комплекс ҳал этиш учун маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳимиз ваколатларидан фойдаланиб, сессиялар муҳокамасига турли масалалар киритиш амалиётини такомиллаштириш зарур, деб ўйлайман.

ШУНИ ҲАМ АЙТИШ КЕРАККИ, АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ПАРТИЯМИЗ ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТИ БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛИҚ БЎЛГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛИНИ ҲАМ АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИЯТИНИ ЯРАТАДИ. ДЕМАК, ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ БИР ОЙЛИК, ЧОРАКЛИК ЯКУНЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИБ, ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШИ, ТЕГИШЛИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА АСОС БЎЛИШИ УЧУН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯМИЗГА МУРОЖААТ ЭТИШЛАРИ ЗАРУР.

**Учқун ШОЙИМҚУЛОВ,**
***ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Фуқаролар мурожаатларининг ижобий ечимини топишда шаҳар ва туман кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари беқиёс аҳамиятга эга. Партия кенгашларимиз қошида 13 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият юритаётган бўлса, 2012 йилда фуқаролардан тушган 600 га яқин мурожаатнинг 87 фоизи ижобий ечимини топган. Ушбу мурожаатларни ўрганиш натижасида мутасадди ташкилотларга 63 та депутатлик сўрови орқали мурожаат этилди ва уларнинг деярли барчасига ижобий жавоблар олинди. Депутатимиз Муқаддас Раҳматуллаеванинг саъй-ҳаракати билан пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Самарқанд дарвоза» маҳалласига йўл-ҳаракати белгиларини ўрнатиш масаласи ижобий ҳал этилди. Депутат Сотиболди Бобоқулов ва партиянинг Сергели туман кенгаши томонидан тумандаги 605-сонли мактабгача таълим муассасасининг ҳолати ўрганиб чиқилиб, бу борадаги таклифлар асосида муассаса биноси қайта таъмирлаш лойиҳасига киритилди.

Жамоатчилик қабулхоналарига қилинган мурожаатларнинг қайси аҳоли қатламига мансуб бўлишидан қатъи назар, барча муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилиши зарур.

**Семинарда Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини тубдан такомиллаштириш масалалари бўйича, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Зиёвуддин Мансуров, Ҳафиза Каримова, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов, Чирчиқ шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Дониёр Азизхўжаев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.**

Семинар якунида мурожаатларнинг ижобий ечимини топишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар имкониятидан самарали фойдаланиш масалалари атрофлича муҳокама этилди ва услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДПда «Ёш сиёсатчи — 2013»



# «МЕН ВАТАНИМ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШИШНИ ИСТАЙМАН»

## кўрик-танлов шу шиор остида ўтмоқда

Шу йилнинг март-апрель ойларида кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтди. Айни кунларда эса вилоят босқичлари ўтказилаяпти.

Яқинда танловнинг Сурхондарё вилоят босқичини кўтаринки руҳда ўтказдик. Унда 14 нафар иштирокчи беллашди. Айниқса, қатнашчиларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва жойларда учраётган ижтимоий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ лойиҳалари кўпчиликка манзур бўлди.

Ёш сиёсатчилар ўзлари истиқомат қилаётган туман, шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари, шароит ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилигини кучайтириш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, олис қишлоқларда замонавий ижтимоий инфратузилмани шакллантириш масалаларида фикр-мулоҳазаларини баён қилишди. Шунингдек, уларнинг нотиқлик маҳорати, сиёсий-ҳуқуқий билими ҳам синовдан ўтказилди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунига кўра, Термиз шаҳридан **Суннат Бозорбоев** биринчи, Жарқўрғон туманидан **Абдусаттор Бибитов** иккинчи, Ангор туманидан **Аббос Тоғаймуродов** учинчи ўринга муносиб деб топилди. Биринчи ўрин соҳиби республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

**Авазбек ОМОНОВ,**
**ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Сурхондарё вилоят бўлими етакчиси.**

Қонун ва шарҳ

# ЭЛЕКТРОН ОДИЛ СУДЛОВ

## *фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим омили*

**Давлат ҳокимиятининг ғоят муҳим тармоғи бўлган суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётганислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузасида таъкидланганидек, «мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир».**

Шу боис мамлакатимизда суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш борасида дунё ҳамжамияти тан олаётган бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Суд тизимини ривожлантиришнинг алоҳида йўналишидан бири, бу – унда иш юритишни янги босқичга олиб чиқиш, яъни судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (2012 й. 2 август) ва уни ижросига қаратилган 2012 йил 10 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши суд ишларини замон талаблари даражасида йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур ҳужжатлар судларда иш юритиш самарадорлигини оширишни таъминлайдиган замонавий ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, энг муҳими, ривожланган давлатларда кенг ҳамда самарали қўлланилаётган «электрон одил судлов» институтини шакллантиришга хизмат қилади.

«Электрон одил судлов» суд ишларини амалга оширишнинг замонавий шаклларидан бўлиб, унинг мазмунида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда одил судловни амалга ошириш мақсади ётади. Мазкур институт афзаллиги шундаки, у суд ишини юритишни сифат жиҳатидан яхшилайди, суд харажатларини камайтиришга хизмат қилади ва низолашувчи тарафларга қулайликлар яратади. Шу билан бир қаторда, «электрон одил судлов» суд процесси иштирокчиларига кенг имкониятлар, хусусан, турли ҳужжатларни электрон шаклда жўнатиш, ишнинг боришини Интернет тармоғи орқали кузатиш, суд ҳужжатларини электрон шаклда олиш, видеоконференция алоқалари орқали суд муҳокамаларида иштирок этиш имкониятини беради.

Суд тизимида ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши судларда иш юритиш самардорлигини оширишга, судларда қоғоз шаклидаги ҳужжатлар айланишини камайтиришга, келиб тушаётган аризаларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришга, фуқароларга судларнинг ҳужжатлар базасига кириб онлайн режими орқали ҳужжатлар билан танишиш имкониятини яратишга хизмат қилади.

Тажрибадан маълумки, «электрон одил судлов» институтини жорий этиш икки босқичда амалга оширилади. Аввало, зарур бўлган ахборот-технология воситалари билан таъминланади, сўнг судга мурожаат этишдан ишни судда ҳал қилгунга қадар амалга ошириладиган ишларни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш йўлга қўйилади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, электрон ҳужжат алмашинувини Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунлари талаблари асосида тартибга солинади.

«Электрон одил судлов» ўтган асрнинг 90-йилларида пайдо бўлган ва ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида, чунончи, Буюк Британия, Германия, Франция, Канада, Италия, Сингапурда кенг тарқалган бўлиб, марказлашган тартибда амалга оширилмоқда.

2013 йил 28-29 март кунлари бўлиб ўтган Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланиб, 2013 йилнинг 1 майида матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига хўжалик судларига мурожаат этишда мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар хўжалик судига ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлигини назарда тутувчи қўшимча киритилди. Бундан ташқари, мурожаат этувчиларнинг электрон манзиллари даъво аризасида кўрсатилиши мумкинлиги белгиланди. Хўжалик судлари, ўз навбатида, хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади, ушбу шахсларнинг электрон манзиллари мавжуд бўлган тақдирда эса ҳал қилув қарори ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкин. Хўжалик суди алоҳида ҳужжат тариқасида ажрим чиқарган ҳолларда тарафларнинг электрон манзиллари мавжуд бўлган тақдирда ажрим ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкин. Бу эса юртимизда «электрон одил судлов»ни амалиётга жорий этишга оид ҳаракатлар давом эттирилаётганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, «электрон одил судлов»нинг жорий этилиши судлов харажатларни камайтиришга хизмат қилади, низолашувчи тарафларга қулайликлар яратади, турли ҳужжатларни электрон шаклда жўнатиш, суд ҳужжатларини электрон шаклда олиш, видеоконференция алоқалари орқали суд муҳокамаларида иштирок этиш имконини беради ҳамда суд ишини юритишнинг сифат жиҳатидан яхшиланишига хизмат қилади.

**Мардонбек БОБОЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

---

## Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир ҲОШИМОВ



Ўзбек адабиёти ва санъати оғир жудоликка учради. Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов 2013 йил 24 май куни 72 ёшида вафот этди.

Ў.Ҳошимов 1941 йили Тошкент шаҳрида туғилди. 1964 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини тамомлади.

У меҳнат фаолиятини 1959 йили «Темирйўлчи» газетасида оддий ходим сифатида бошлади. Кейинчалик «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми» газеталарида хизмат қилди. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири каби масъул вазифаларда ишлаб, адабиётимиз ва матбуотимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Ў.Ҳошимов мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этди. 1995-2000, 2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси лавозимида фаолият кўрсатди.

Истеъдодли адиб ўзининг ярим асрлик ижодий фаолияти давомида «Муҳаббат», «Урушнинг сўнгги қурбони», «Ўзбек иши» каби ҳикоялари, «Чўл ҳавоси», «Одамлар нима деркин», «Шамол эсаверади», «Баҳор қайтмайди», «Қалбингга қулоқ сол», «Дунёнинг ишлари» сингари қиссалари, «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» каби романларида даврнинг муҳим маънавий-ахлоқий масалаларини кўтариб чиқди. Ушбу асарлар миллий руҳи ва халқчиллиги, ҳаётийлиги, ўзига хос ёрқин услуби билан кенг китобхонлар қалбидан жой олди.

Ў.Ҳошимов драматургия соҳасида ҳам самарали ижод қилиб, «Хазон бўлган баҳор», «Инсон садоқати», «Тўйлар муборак», «Қатағон» сингари долзарб мавзулардаги драматик асарларни яратди. Унинг жаҳон мумтоз адабиётининг сара намуналаридан қилган бадиий таржималари адабиётимиздан муносиб ўрин эгаллади. Айни пайтда, ёзувчининг қатор асарлари жаҳоннинг бир қанча тилларига таржима қилинди.

Атоқли адиб мустақиллик йилларида, айниқса, ғайратшижоат билан ижод қилди. Бадиий асарлар билан бирга, маҳоратли публицист сифатида Ватанимиз мустақиллигини, халқимизнинг эркин, озод ва фаровон ҳаётини, инсон қадр-қимматини тараннум этувчи «Она битта, Ватан ягона», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз», «Истиқлолни асрайлик», «Кечани унутмаган бугунни қадрлайди» каби ўнлаб мақолалар эълон қилиб, кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

Ў.Ҳошимов тажрибали адиб, жонкуяр ташкилотчи сифатида маданий жараёнларда фаол иштирок этиб, халқимиз ўртасида миллий ғоя тамойилларини кенг тарғиб этиш, ёшларни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди. Кўплаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Ўткир Ҳошимовнинг ўзбек адабиётини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони, Ўзбекистон Давлат мукофоти, «Меҳнат шуҳрати» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли ёзувчи, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Ўткир Ҳошимовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, А.ИКРОМОВ, Х.СУЛТОНОВ, М.АҲМЕДОВ**

---

Тиббиёт

**Мамлакатимизда эндокринология соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самаралари ҳамда истиқболдаги вазифалар мавзуидаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

**Дастлаб Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров эндокринология соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш ёрдами бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берди.**

# ЭНДОКРИНОЛОГИЯ

## *соҳасида амалга оширилаётган ишлар*

— Марказимиз аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган, — дейди **Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Саид Исмоилов.** — Айни айтда эндокринологиянинг қандли диабет, қалқонсимон без касалликлари, нейроэндокрин, репродуктив тизим касалликлари ва бошқа йўналишлари бўйича даволаш-ташхислаш ишларини олиб бормоқдамиз. Марказнинг эндокрин, йирингли (диабетик тўпиқ бўлими), нейрожарроҳлик бўлимларида 22 дан ортиқ юқори технологик жарроҳлик амалиётлари, яъни феохромоцитома, алдостерома, кортикостерома, инсулинома каби оғир касалликлар, транснозал транссфеноидал йўли орқали гипофиз микроаденомалари, қалқонсимон без ва қалқонсимон олди безларида, қандли диабетни қон-томир ва йирингли асоратлари бўйича жарроҳлик амалиётлари амалга оширилмоқда. Ўтган йил май ойидан бошлаб сурункали буйрак етишмовчилигининг терминал босқичидаги қандли диабет беморларга 500 дан ортиқ гемодиализ муолажалари ўтказилган. Натижада кўплаб оғир хасталиклар самарали даволанмоқда. Бу эса ногиронликнинг олдини олиш, беморлар саломатлигини яхшилашга хизмат қиляпти.

Анжуманда эндокринологик касалликларни камайтириш учун ҳар бир инсон ўз саломатлигига эътибор қаратиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Саломатлик — обод турмуш гарови

# СОҒЛОМ ЭЛ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

## *Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам ана шу эзгу ниятга қаратилган.*

**Сурхондарё вилоятида тиббий муассасаларнинг моддий-техник даражаси, қиёфаси тубдан ўзгариб, шифо масканлари малакали мутахассислар билан бойитиб борилмоқда. Бунга Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё вилоят филиали фаолияти ёрқин мисол бўла олади.**



Бу ерда замонавий рақамли стационар универсал рентген аппаратида диагностика текширувлари, лопароскопик операциянинг янги усулларини татбиқ этиш билан бирга, даволашнинг йигирмадан ортиқ янги турлари қўлланилмоқда. Унда замонавий компьютер томография билан бир қаторда кўчма рентген диагностика ускуналари, кўчма операцион диагностика аппаратлари ишлаб турибди.

Ўтган йиллар давомида вилоят филиалига 59 миллиард 362 миллион 963 минг сўм миқдорида уч турдаги юқори технологияли замонавий тиббий асбоб-ускуналар олиб келинган. Шунингдек, туманлар тиббиёт бирлашмаларининг мазкур йўналишдаги бўлимларига хорижий кредитлар ҳисобидан 2,2 миллиард сўмга яқин 36 турдаги тиббий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди.

Аҳолини соғломлаштириш, оналик ва болалик муҳофазасини тубдан яхшилаш соҳадаги Давлат дастурининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Вилоятда оилаларда тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида барча туман тиббиёт бирлашмалари туғуруқ бўлимлари ва вилоят перинатал маркази Осиё тараққиёт банки кредитлари ҳисобидан қайта таъмирланди. Аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни шакллантириш, оилада эркаклар масъулияти, оила муқаддаслиги каби қадриятларни тарғиб этиш борасидаги ишларни янада яхшилаш мақсадида ўтган йили жамоатчилик маркази ташкил этилди. «Соғломлаштириш ҳафталиги» доирасида ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг етакчи мутахассислари, скрининг соҳасида ишловчи мутахассислар ва саломатлик институти врачларидан иборат ташвиқот-тарғибот гуруҳи вакиллари жойларда бўлиб, аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб боряпти.

Яқин ўтмишда қишлоқлардаги «медпункт»лар ғариб кулбаларда жойлашган бўлиб, ҳеч қандай тиббий ускунага эга эмасди. Ҳозир ўша ночор кулбалар ўрнида замонавий қишлоқ врачлик пункти бинолари қад ростлади. Ўтган йиллар давомида воҳада 243 та ана шундай шифо масканлари иш бошлади. «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида қишлоқ врачлик пунктларига 3,4 миллиард сўмдан ортиқ тиббий жиҳоз ва ускуналар келтириб ўрнатилди. Ушбу пунктларни умумий амалиёт врачлари билан таъминлаш мақсадида охирги уч йилда 200 нафарга яқин мутахассис Тошкент тиббиёт академияси ва Самарқанд тиббиёт институти қошида ташкил этилган умумий амалиёт шифокори мутахассислиги бўйича қайта тайёргарликдан ўтказилди. Давлатимиз раҳбарининг энг чекка ва тоғли ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган 2011 йил 28 ноябрдаги қарорига асосан жорий йилда яна 31 та қишлоқ врачлик пункти барпо этиш режалаштирилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, шифо масканлари Жаҳон Банки кредити ҳисобидан 3,7 миллиард сўмлик замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, туманлар тиббиёт бирлашмалари туғуруқ бўлимлари ва вилоят Перинатал маркази Осиё Тараққиёти Банки ҳисобидан 2,9 миллиард сўмлик, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали ва туманлардаги бўлимлари Ислом Тараққиёти ва Қувайт Банки кредитлари ҳисобидан 4,3 миллиард сўмлик, Узун, Бойсун, Қизириқ туман тиббиёт бирлашмалари ва вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази Япония давлатининг грантлари асосида 340 минг АҚШ долларилик юқори технологиядаги тиббий ускуналар билан таъминланди.

— Мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг билим даражасини юксалтириш мақсадида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда, — дейди **вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Алишер Қўчқаров.** — Ҳамкорлик самарасида Тошкент шаҳридаги нуфузли клиникаларда иш юритаётган тиббиёт фанлари номзодлари, шунингдек, клиник ординатура ва магистратурани тугатиб ишлаётган маҳаллий 10 нафар малакали врачларни вилоятнинг ўзига келиб ишлашига эришилди. Ҳозир улар вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, кардиология маркази ҳамда Денов, Шўрчи, Шеробод тумани тиббиёт бирлашмаларида меҳнат қилмоқда.

Юқоридаги ишлардан кўзланган мақсад аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, унинг турмуши фаровонлиги ва ободлигини таъминлашдир.

**Абди ҚОДИРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Миллий матбуот марказида

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Замонавий банк хизматлари ривожланиши истиқболлари» мавзуида матбуот анжумани уюштирилди.**

# БАНК ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Анжуманда банк тизимида инновацион ахборот технологияларини кенг кўламда татбиқ этиш мамлакатимизда қисқа муддатда миллий тўлов тизимини шакллантиришга имконият яратилганлиги таъкидланди. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ҳисоб-китобларни аниқ вақт режимида амалга оширувчи бу тизим мамлакатимиз молия бозори барқарорлигини таъминламоқда. Бундан ташқари, у давлатимиз пул-кредит сиёсатини самарали юритиш, миллий ва халқаро тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, пул оқимларини бошқаришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда миллий тўлов тизими негизида Марказий банкнинг ягона банклараро тўлов тизими, 29 та тижорат банкининг ички тўлов тизимлари, шунингдек, банк карталари бўйича барча тижорат банкларини қамраб олган «Uz-Kart» банклараро чакана тўлов тизими, аҳолидан уяли алоқа хизмати, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш бўйича «Uz-Paynet» тўлов агентлик тармоғи ҳамда «SMS-TO'LOV» чакана тўлов тизимлари фаолият юритмоқда.

Мазкур ишларнинг самараси ўлароқ, 2013 йил 1 май ҳолатига республикамиз бўйича қарийб 44 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар «Банк-Мижоз» ва Интернет-банкинг дастурий мажмуалари хизматларидан фойдаланиб келмоқда. Мижозлар масофадан туриб, компьютер ва электрон алоқа тизими орқали банк операцияларини амалга оширмоқда.

Айни пайтда барча тижорат банклари Интернет тармоғида ўзларининг web-сайтларини очиб, улар банк фаолияти, янги хизмат турлари ва шартлари, мижозлар манфаатига тегишли маълумотлар билан мунтазам бойитиб борилмоқда. Марказий банк веб-сайти орқали эса давлат интерактив хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Аҳоли ўртасида мобиль телефонлардан фойдаланишнинг кенгайиб бориши банклар томонидан мобиль-банкинг (wap-banking) ва sms-банкинг хизматлари йўлга қўйилишига олиб келди. Ҳозирги пайтда 107 минг нафар мижоз ушбу хизмат турларидан фойдаланмоқда. Айтиш ўринлики, шу йилнинг биринчи чорагида банкларнинг мазкур хизмат турларидан фойдаланувчилар сони 50 фоиз ўсишига эришилди.

Матбуот анжуманида журналистларга электрон тижорат, кредит ва дебет карталар, депозитлар ва бошқа қулайликлар, замонавий банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган изланишлар ҳақида ахборотлар берилди.

**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Маънавий тарбия

# КИТОБ, КИТОБХОНЛИК БАЙРАМИ

**«Адабиётга эътибор – келажакка, маънавиятга эътибор» шиори остида 23-24 май кунлари Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида «Китоб байрами» бўлиб ўтди.**



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда ўтказаётган Китоб байрамлари халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда. Икки кун давомида мамлакатимизнинг юздан ортиқ нашриётлари чоп эттирган сара китоблар кўргазмаси ва савдоси, шоиру ёзувчи ва муаллифларнинг китобхонлар билан учрашувлари, янги китоблар тақдимоти, «Энг яхши китобхон», «Китобхон оила» каби кўрик-танловлар, ҳомийларнинг ахборот-ресурс марказларига китоблар совға қилиш ташкил этилди. Уларга мушоира, куй-қўшиқ ва рақслар уланиб кетди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг «Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор» рисоласида таъкидланганидек: «Чинакам ижод ва истеъдод маҳсули бўлган асарларни, ёзувчининг юрагидан, қалбидан чиққан ҳаққоний ва таъсирчан фикрларни кенг оммага етказиш учун барча мавжуд воситалардан унумли фойдаланиш зарур».

«Китоб байрами»нинг асосий тадбири пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида уюштирилди. Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

— Китобхонларнинг гавжумлиги маънавий тадбиримизга кўтаринки кайфият бағишлади, — дейди **«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи бош директорининг биринчи ўринбосари Ашурали Жўраев.** — Биз қалбларга маърифат нурини таратадиган бундай тадбирда қатнашаётганимиздан бахтиёрмиз. Ижодий уйимиз томонидан тадбир доирасида Меҳрибонлик ва Саховат уйларига, тадбирнинг фаол қатнашчиларига бир миллион сўмликдан зиёд китоблар совға қилинди.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ташкил этган китоблар кўргазмаси ва савдоси ҳам одамлар билан гавжум бўлди. Китобхонлар харид қилган китобларига дастхат қўйдириш билан бирга муаллифлардан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

— Бу байрам шарофати туфайли китобхонларим билан юзма-юз учрашиб турибман, — дейди ўзининг **«Қисматим» китобига кетма-кет дастхат қўйиб бераётган Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев.** — Одамларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг китобга ташналигини кўриб қувониб кетаяпман.

— Боғда байрам бўлаётганини эшитиб, фарзандларим билан келдим, — дейди **уй бекаси Гулноза Жуманиёзова**. — Уларга ўзлари танлаган рангли-безакли топишмоқлар китобларидан олиб бердим. Болаларим қандай хурсанд бўлганини ўзингиз кўриб турибсиз.

— «Китоб байрами» болалар ёзги таътили олдидан ўтказилаётгани айни муддао бўлди, — дейди **Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси Зуҳра Умарова**. — Қўлларига китоб ушлаб қувониб кетаётган болажонларимиз ёзги таътил давомида китоб ўқишига ишонаман, балки бундай тадбирни болажонлар учун ёзги таътил ўртасида ҳам уюштириш керакдир.

Байрам тадбири доирасида **«Китоб — миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси»** мавзуида илмий-амалий конференция ҳам ўтказилди. Унда соҳа мутахассислари адабиёт, бадиий ижод, ноширлик ва матбаачиликни ривожлантиришга хизмат қиладиган таклиф-тавсияларини билдиришди.

Тадбирда фаол қатнашган нашриётлар ташкилотчиларнинг дипломлари билан тақдирланди.

**Асрор МЎМИН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири,**
**Азиз ҚАРШИЕВ,**
**ЎзМУ журналистика факультети 3-курс талабаси.**

Шахмат

# ГРОССМЕЙСТЕРЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА



***Греция ва Филиппинда ўтаётган мусобақаларда халқаро гроссмейстерларимиз Рустам Қосимжонов ва Марат Жумаев мағлубиятсиз ўйнамоқда.***

Салоники шаҳрида давом этаётган ФИДЕ Гран-присининг тўртинчи босқичи иккинчи турида Рустам Қосимжонов Франция чемпиони Этьен Бакрога қарши қора доналарда ўйнади ва 35-юришдан сўнг дурангга эришди. Бир ярим очко тўплаган Р.Қосимжонов навбатдаги учрашувини жаҳон шахмат олимпиадасининг уч карра ғолиби россиялик Александр Морозевичга қарши ўтказади.

Яна бир гроссмейстеримиз Марат Жумаев ҳам Манила шаҳрида давом этаётган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этмоқда.

Ҳамюртимиз олтинчи тур учрашувида оқ доналарда мўғулистонлик гроссмейстер Цегмет Батчулуун устидан зафар қучди. Тўрт ярим очко билан пешқадамлар сафида бораётган Марат Жумаевнинг очколари сони биринчи ўринни эгаллаб турган филиппинлик Марк Парагуаникидан ярим очко кам. Шахматчимиз навбатдаги ўйинда мезбонлар вакили Жон Пол Гомесга қарши дона суради.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Истеъдодли ёшлар – миллат ғурури, мамлакат таянчи

# ОЛТИ ЁШЛИ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

**Избосканлик олти ёшли Зебунисо Мамасолиева Тошкентда 64 катакли шашка бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида (8 ёшгача бўлган) барча рақибларини енгиб, олтин медалга сазовор бўлди. Зукко қизчани Осиё конфедерацияси президенти, монголиялик Бат-Эрдэне Чиммедарж, ФМЖД бош директори, белгиялик Йохан Демасуре, голландиялик Харм Вирсма каби жаҳоннинг машҳур шашка усталари қизғин қутлади.**

Зебунисо шашка ўйнашни бобоси Мамасоли Тешабоевдан ўрганган.

— Набирам комбинацияларни пухта ўзлаштирган, — дейди Мамасоли Тешабоев. — Мураккаб вазиятдан қандай чиқиб кетиш йўлларини яхши билади.

— Шашкадан жаҳон чемпиони бўлишни орзу қиламан, — дейди Зебунисо. — Бунинг учун кўпроқ ўз устимда ишлашим, жаҳон шашка олами янгиликларидан хабардор бўлишим керак. Шу кунларда инглиз тилини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратаяпман.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Шуҳрат АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

*Суратда: Осиё чемпиони Зебунисо Мамасолиева.*

**Фарида шеъриятга жуда эрта меҳр қўйди. Унинг биринчи «Орзуларим» китоби чоп этилганида атиги ўн икки ёшда эди. Бугун Фарида Умаралиева Данғара саноат касб-ҳунар коллежининг 3-босқич талабаси, «Дилларнинг қўшнавоси», «Бахт қасрида яшайман», «Яхшилар васфи» каби олтита шеърий тўплам ва эсселари чоп этилган, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати.**

# ВАТАН МАДҲИНИ, ХАЛҚ БАХТИНИ КУЙЛАШ КАТТА ШАРАФ!

У 1994 йил Данғара туманидаги Шопўлат қишлоғида туғилган. Ўзининг илк «Бувижон» шеърини ҳамон ҳаяжон билан эслайди. Кейин янги-янги шеърлар ёзди. 2006 йилда ёш ижодкорларнинг Республика кўрик-танловида қатнашиб, устоз адиблар маслаҳатларини тинглади.

Яна бадиий, илмий ва ижтимоий мавзулардаги китобларни ўқиди, ижод қилиш сирларини ўрганди. Ўзининг ҳис-ҳаяжонини, туйғуларини оқ қоғозга туширди. Ёзган шеърини эса адабиёт ўқитувчиси Шаҳнозахон Ўролбоевага кўрсатди.

— Бир гал Фарида машқларини қўлимга тутди, — дейди у. — Лекин бу одатдаги шеърлар эмас эди, балки Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» ва «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобидан олган таассуротлари ҳақида ёзилган «Ҳайрат» деб номланган эссе эди. Рости, унинг шу ёшда кенг қамровли асар ёзганидан ҳайратга тушдим.

— Шеъриятда қобилият соҳиблари учун ёш муҳим аҳамиятга эга эмас, — дейди **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси Энахон СИДДИҚОВА**. — Ўн уч ёшдаги Алишер Навоийнинг биргина ғазал матласига Мавлоно Лутфийдек устоз ўзининг умр бўйи ёзган ғазалларини алмаштирмоқчи бўлганини эсланг. Фариданинг шеърларида ҳам эзгулик оламни мунаввар, инсонларни бахтиёр қилади, деган фалсафий ғоя бадиий тарзда ажойиб ифодасини топган.

Ҳақиқатан, унинг ижоди адиблар, китобхонлар томонидан эътироф этилаяпти.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Эълон

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил департаментининг 2012 йил 7 февралдаги 06-29-35-сонли Баённомаси ва Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимининг 2012 йил 15 июндаги 442-сонли ҳамда 2012 йил 30 ноябрдаги 816-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги иккита ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан танлов савдосига қўйилмоқда:**

# «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

*барча тадбиркорлик субъектларини, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади!*

1. Автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станцияси қурилиши учун, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Янги Тошкент айланма йўли ёқаси, "Пегас агромастер" МЧЖ ерларида жойлашган 0,7 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 2 795 597 сўм.

2. Автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станцияси қурилиши учун Зангиота тумани, «Қизғалдоқ» ҚФЙ, ТХАЙ ерлари ҳудудида жойлашган 0,7 гектардан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 3 957 243 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Зангиота тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 24 июнь куни соат 18-00 да тўхтатилади. Буюртманомалар танлов ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома беришдан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги маблағни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 25 июнь куни соат 11-00 да очилади. 2013 йил 1 июль кунига қадар мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2013 йил 25 июндаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йилнинг 11 июль куни соат 11-00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 10 июль куни соат 18-00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов савдоси қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Зангиота туман ҳокимияти биносида 2013 йил 12 июль куни соат 11-00 да очилади, 2013 йил 18 июлга қадар танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танлов савдосида иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб-рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхаси.

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: «Tashkent Realtor Service» МЧЖ ҳ/р: 20208000304876496001 ТИФ Миллий банк Ҳамза филиали, МФО: 00847, ИНН: 301743808.

Танлов ташкилотчиси — «Tashkent Realtor Service» МЧЖ

Танлов ҳужжатлари, қўшимча маълумотлар олиш ва мурожаат қилиш учун манзил:

Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси 10-уй, 16-хона.

Тел. (8371) 147-40-00, факс: (8371) 232-10-78, электрон почта: info@realtorg.uz.

Лицензия RR-0008.

## ОБ-ҲАВО 25-26 – 05. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C)

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +10 / +15 | +22 / +27 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +13 / +18 | +22 / +27 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +10 / +15 | +22 / +27 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +13 / +18 | +25 / +30 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +10 / +15 | +20 / +25 |
| Тошкент шаҳри | +13 / +15 | +25 / +27 |

Дунё бўйлаб (°C)

| | |
|---|---|
| Лондон | +7 / +8 |
| Париж | +9 / +8 |
| Москва | +15 / +16 |
| Мадрид | +7 / +8 |
| Пекин | +15 / +16 |
| Канберра | 0 / +3 |
| Рим | +15 / +14 |
| Афина | +13 / +15 |
| Токио | +17 / +15 |
| Стокгольм | +6 / +10 |
| Кейптаун | +13 / +11 |
| Қоҳира | +17 / +19 |
| Гавана | +24 / +25 |
| Вашингтон | +17 / +16 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodilla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir 1-o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 546
16380 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.45

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5